



ДЕПУТАТЛАР ХУДУДЛАРДА

МУАММОДАН АМАЛИЙ ЕЧИМГАЧА...



Халқ билан мулоқот қилмасдан, одамлар орасига кирмасдан, маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юрмасдан туриб, ҳудудларда аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топиб бўлмайди. Шу боис, ўтган ҳафтада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, хусусан, партиямиз фракцияси аъзолари ҳам ҳудудларда сайловчилар билан учрашиб, жонли мулоқотлар ўтказди. Учрашувларда Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти ҳақида сўз юритилди. Фуқароларнинг таклифлари, шунингдек, ҳудудларда аҳолини ўйлантираётган муаммолар ўрганилди. Кундалик ҳаётда дуч келинаётган ҳуқуқий масалаларда маслаҳатлар берилди.

► (Давоми 3-бетда)

ЯЛПИ МАЖЛИС

ҚУЙИ ПАЛАТАДА МУҲИМ МУҲОКАМАЛАР



Парламент қуйи палатасининг кеча бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишини кузатиб амин бўлдимки, қабул қилинаётган ҳар бир қонун одамлар ҳаётига сезиларли даражада таъсир қилиши, тараққиёт асосларини мустаҳкамлаши керак. Шунинг учун депутатлар билдирган ҳар бир таклифда халқ манфаати, ҳудудлар ривожини, муаммолар ечимига хизмат қиладиган жиҳатлар устувор бўлди.

Мажлисни очиб берган қуйи палата Спикери кириш сўзида дастлаб мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган сиёсий жараёнларга алоҳида тўхталиб ўтди. Шундан сўнг кун тартибига кўра, бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Дастлаб "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслар устидан назорат механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодекслари ҳамда "Пробация тўғрисида"ги қонунга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслар устидан пробация назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий тартиблари белгилаб қўйилмоқда.

► (Давоми 2-бетда)

МУНОСАБАТ

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЯ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги муносабатлар сўнгги йилларда мазмунан янги босқичга кўтарилиб, кўп қиррали стратегик шериклик даражасида изчил ривожланмоқда. Икки қардош халқни асрлар давомида шаклланган тарихий, маданий ва маънавий яқинлик боғлаб туради. Бугун ана шу умумий илдишлар замонавий сиёсий ишонч, иқтисодий ҳамкорлик ва гуманитар алоқалар орқали янада мустаҳкамланиб, давлатларaro муносабатларнинг барқарор пойдеворига айланмоқда. Юқори даражадаги очиқ ва ишончли мулоқот, ўзаро ҳурмат ва қўллаб-қувватлаш сиёсати икки мамлакат раҳбарлари иродаси билан амалда ўз ифодасини топаётгани алоҳида аҳамият касб этади.

► (Давоми 4-бетда)

САЙЛОВ ОКРУГИ ВА СИЁСИЙ МАСЪУЛИЯТ

Бугун мамлакатимизда парламент ҳамда депутатларнинг самарали фаолияти учун мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган десак, муболаға бўлмайди. Жамиятни демократик ривожлантиришда депутатларнинг ўрни ва мақоми алоҳида эътироф этилмоқда.

Парламент чинакам "халқ уйи"га, депутатлар "халқ вакили"га айланиши учун ҳар томонлама кенг имкониятлар очилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг парламентга ва халқимизга Мурожаатномасидаги энг муҳим сиёсий янгиликлардан бири шуки, депутатлик институтига амалий куч берилди, янги саҳифа очилди.

Энди депутатлар фақат муаммони кўтариб чиқувчи эмас, балки уни ҳал этиш учун ресурсга эга бўлган

шахсга айланмоқда. Депутатларга округидаги муаммоларни ҳал этиш учун 500 миллиард сўм, ҳар бир депутатга 3,3 миллиард сўм маблағдан фойдаланиш имконияти берилди. Қолаверса, "яшил ҳудуд" ва "яшил боғ" лойиҳалари бўйича ҳар бир депутат ташаббусига 330 миллион сўмдан қўшимча маблағ ажратилиши белгилаб қўйилди.

► (Давоми 4-бетда)

МУЛОҲАЗА

БОЛАЛАР БОЛАЛИК ЗАВҚИГА БЕГОНА БЎЛМАСИН

Умрнинг энг маъсум палласи – болалик хотиралари ҳаммамиз учун қадрли, азиз. Ҳаттоки ҳали мурғак пайтидаёқ йўқчилик, рўзғор ташвишлари ёҳуд оиладаги, мактабдаги турли кўнгилсизликлар билан рўбарў келган инсонларнинг ҳам олис болалик хотираларида энтикиб эслайдиган ёруғ лаҳзалар бор.

Хўш, бугуннинг болалари-чи? Уларда бу оламини ҳайрат ва ёрқин рангларда идрок этишга ундайдиган қандай хотиралар шаклланмоқда? Умуман, улар болалик завқини бор бутунича ҳис этяптими?

Тўғри, рақамли дунёда яшаяпмиз. Болаларимиз ҳаётига китоблардан ҳам кўра гаджетлар олдинроқ кириб келяпти. Кўча-кўйда тенгдошлари билан ўйнаш ўрнига уззу-кун митти қурилмага тикилиш билан андармон фарзандларимизнинг ҳиссий ва интеллектуал ривожланишини ижтимоий тармоқлар, чексиз ахборот оқими белгилаб

бераётгандек гўё. Айни дамда дунёдаги қатор давлатлар болалар учун ижтимоий тармоқларни чеклашни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга бел боғлаётгани, юртимиз жамоатчилиги фаоллари ҳам бу масалага урғу бера бошлагани арзирли сабабларга эга.

► (Давоми 7-бетда)



► (Давоми. Боши 1-бетда)

ЯЛПИ МАЖЛИС

ҚУЙ ПАЛАТАДА МУҲИМ МУҲОКАМАЛАР



Хусусан, суд томонидан юклатилган мажбуриятларни бажармаган шахсларга нисбатан шартли озод қилишни бекор қилиш ва уларни жазони ўташ учун юбориш ёки қўшимча мажбуриятлар юклаш тартиблари белгиланмоқда. Шу билан бирга, ўз зиммасидаги мажбуриятларни масъулият билан бажариб келаётган шахсларга нисбатан ушбу мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бекор қилиш бўйича судга тақдимнома киритиш имконияти ҳам назарда тутилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган шахслар хулқ-атворини самарали назорат қилишга, суд томонидан белгиланган талабларни бажармаган шахсларга нисбатан таъсирчан чоралар кўришга, қонунга итоаткорликни мустаҳкамлашга, шунингдек, ҳуқуқбузарлик ва қайта жиноят содир этилиши ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга нисбатан ҳуқуқларни эътироф этиш ишларини янада тезлаштиришга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги ҳамда “Қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилмоқда.

Хусусан, ҳуқуқларни эътироф этиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, маълумотларни автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиш тартибини ҳамда солиқ қарздорлиги тушунчасини аниқлаштириш, ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этиш учун бир марталик тўловни бўлиб-бўлиб тўлашни амалга ошириш тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда ҳуқуқларни эътироф этиш ишлари билан боғлиқ шикоятларни кўриб чиқиш механизмлари такомиллаштирилмоқда.

Шунингдек, лойиҳада “солиқ қарздорлиги”га оид тақоррларларни бартараф этиш мақсадида асосий тушунчаларга алоҳида “ер солиғи бўйича, унда қурилган бинолар ва иншоотлар учун эса мол-мулк солиғи бўйича қарздорлик” тушунчаси киритилиб, унда солиқ қарздорлик – базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан ошадиган қисми этиб кўрсатилмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳасида назарда тўтилаётган нормалар жисмоний ва юридик шахсларнинг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқлари эътироф этилишига тўсқинлик қилувчи омилларни бартараф этишга, энг муҳими, инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Мажлисида аҳолига тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмига қирадиган хизматларни кўрсатиш, тиббиёт ва фармацевтика ҳодимларининг касбий фаолиятини амалга ошириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги ва “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги қонунларга бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида қўшимча хизматлар ҳисобланадиган тиббий ёрдам турлари белгиланишини, шунингдек, давлат рўйхатидан ўтказилган

шахслар тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини олишини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Яъни, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмидан ортиқча тиббий хизматлар ва бошқа хизматлар қўшимча хизматлар бўлиб, улар пулли асосда амалга оширилиши назарда тутилмоқда. Оилавий шифокорнинг ёки тиббиёт бригадасининг йўлланмасисиз мурожаат қилган фуқароларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам ҳам қўшимча хизмат ҳисобланади. Бундан шошилишч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш мустасно.

Шунингдек, соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш, тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатига олишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда.

Мажлисида белгиланаётган нормалар аҳолининг юқори сифатли тиббий хизмат олиш ҳуқуқларини самарали таъминлашга, соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этишга, қонунчилик ва малака талабларига мос келмайдиган шахсларнинг тиббий ҳамда фармацевтик фаолият билан шуғулланишининг олдини олишга хизмат қилиши таъкидланди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Мажлисида, шунингдек, Маданий мерос агентлиги ваколатларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали республика ижро этувчи ҳокимият органларининг маданий мерос соҳасидаги ваколатларини аниқ белгилаш, уларни тизимлаштириш ва қонунчиликни ўзаро мувофиқлаштириш назарда тутилмоқда.

Хусусан, Маданият вазирлиги ва Маданий мерос агентлигининг моддий ва номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари аниқ тақсимланмоқда.

Археология тадқиқотлари, тарихий-маданий экспертиза, давлат кадастрини юритиш, музейлар фаолияти, шунингдек, маданий бойликларни олиб чиқиш ва олиб кириш билан боғлиқ ваколатлар Агентликка бириктирилмоқда.

Таъкидланишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши маданий мерос объектларини

муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш, қонунчиликдаги зиддият ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш ҳамда соҳадаги ваколатли органлар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

“**МАЖЛИСИДА БЕЛГИЛАНАЁТГАН НОРМАЛАР АҲОЛИНИНГ ЮҚОРИ СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ ОЛИШ ҲУҚУҚЛАРИНИ САМАРАЛИ ТАЪМИНЛАШГА, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ БОШҚАРИШНИНГ ИННОВАЦИОН МОДЕЛИНИ ЖОРИЙ ЭТИШГА, ҚОНУНЧИЛИК ВА МАЛАКА ТАЛАБЛАРИГА МОС КЕЛМАЙДИГАН ШАХСЛАРНИНГ ТИББИЙ ҲАМДА ФАРМАЦЕВТИК ФАОЛИЯТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ ТАЪКИДЛАНДИ.**”

Мажлисида Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида ов қилиш ва овчилик хўжаликлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси ов қилиш ва овчилар тайёрлаш тартибини тизимлаштириш, соҳага илғор технологияларни жорий этиш, овчилик хўжаликларида биохилма-хилликни сақлаш ва кўпайтириш, ов туризми инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан “Қурол тўғрисида”ги ҳамда “Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида”ги қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси ов қилиш жараёнларини аниқ

тартибга солиш, овчилик хўжаликлари фаолиятини тизимлаштириш, ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш ва уларнинг табиий кўпайиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Қонун лойиҳасида ов қилиш жараёнлари шаффофлигини оширишга қаратилган нормалар акс этмоқда. Шу билан бирга, овчилик йўлланмалари (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкалари)ни бериш махсус электрон дастур орқали амалга оширилиши, улар асосида мавсумий ёки бир марталик овни амалга ошириш ҳуқуқи тақдим этилиши кўзда тутилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан питомникларда етиштирилган ёввойи ҳайвонларни ов қилиш жойларига қўйиб юбориш амалиёти қўллаб-қувватланиб, бундай ҳайвонлар ҳисобидан ов қилишни ташкил этишга рухсат берилиши белгиланмоқда. Мазкур ёндашув ов қилиш билан бир вақтда ёввойи ҳайвонлар захирасини тўлдирish имконини беради.

Бундан ташқари, ов қилиш фақат овчилик хўжаликларига бириктириб берилган ов қилиш жойларида амалга оширилиши белгиланмоқда. Бу эса ов қилиш устидан назоратни кучайтириш ҳамда ёввойи ҳайвонларни кўпайтириш ва уларнинг табиий захирасини асрашга хизмат қилади. Шунингдек, ов қилишни режалаштириш, рухсат этилган ҳудудлар ва муддатларни белгилашда ягона тизим асосида иш юритиш назарда тутилмоқда.

Мунозаралар давомида депутатлар ушбу қонун лойиҳаси мамлакатимизда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, овчилик маданиятини ошириш ҳамда соҳани барқарор ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлаб, лойиҳани такомиллаштириш бўйича тақлиф ва тавсияларини билдирдилар.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Мажлисида бир гурӯҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган — “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан гаровга қўйилган мулкни ишониб топширилган шахс томонидан қонунга хилоф равишда тасарруф этиш оз миқдор ёки кўп бўлмаган миқдорда содир этилган тақдирда маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда. Бу орқали мазкур турдаги ҳуқуқбузарликлар учун

жавобгарликдаги мавжуд бўшлиқ бартараф этилмоқда.

Лойиҳа билан телекоммуникация ҳамда интернет жаҳон ахборот тармоқларида уятли сўзлар билан сўкиниш, ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ва жамоат тартибини бузувчи бошқа шу каби ҳаракатлар учун ҳам маъмурий жавобгарлик жорий этилмоқда. Ушбу норма жамоат тартиби ва фуқароларнинг осойишталигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, ўзга давлат ҳудудида ёки унинг тарафини олиб қуролли тўқнашувлар ёки ҳарбий ҳаракатларда қатнашишни тарғиб қилувчи маҳсулотларни тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш учун ҳам маъмурий жавобгарликни белгилаш назарда тутиляпти.

Қонун лойиҳасида шахс томонидан содир этилган ўз ҳуқуқбузарлигини тарғиб қилувчи материалларни оммавий ахборот воситаларида ҳамда интернет тармоқларида тарқатиш учун ҳам жавобгарлик белгиланмоқда. Бу ҳуқуқбузарликларни оммалаштириш ва уларга тақлид қилиш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳасида назарда тўтилаётган нормалар жамиятда хавфсиз муҳитни мустаҳкамлаш, янги турдаги ҳуқуқбузарликлар пайдо бўлишининг олдини олиш, аҳоли, айниқса, ёшларга салбий таъсир кўрсатаётган ҳолатларни бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш самарадорлигини ошириши қайд этилди.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Мажлисида Сенатнинг маҳаллий Кенгашлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг ҳудудий бошқарувдаги ролини янада оширишга қаратилган қонунчилик тақлифи кўриб чиқилди.

Мазкур тақлифга кўра, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши раиси ўринбосари институтини жорий этиш, унга бир вақтнинг ўзида Кенгаш котибияти мудир вазифасини бажариш ҳамда Кенгаш котибияти ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш ваколатларини бериш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, маҳаллий Кенгашлар сессиялари оралиғида тезкор масалаларни ҳал этиш мақсадида Кенгаш Раёсати институтини жорий этиш ва унинг иш фаолияти тартибини белгилаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашларда депутатлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг айрим муҳим ижтимоий масалалар юзасидан ахборотларини ешитиш бўйича “Кенгаш соати” институтини жорий қилиш кўзда тутилмоқда.

Ушбу қонунчилик тақлифи маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини янада самарали ташкил этишга қаратилган. Мажлисида қонунчилик тақлифи бўйича қарор қабул қилинди.

Умуман олганда, парламент қуйи палатасининг навбатдаги мажлиси ҳам анча қизғин ва самарали ўтди. Кун тартибидаги масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Бу эса қонунчилик фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.**

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Қизилгўл Қосимованинг Олмалиқ кон-металлургия комбинати ишчи-ходимлари билан юзма-юз мулоқоти амалий руҳда ўтди. Депутатимиз "Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили"да амалга ошириладиган ислохотларнинг устувор йўналишлари ҳамда "Ўзбекистон – 2030" стратегиясининг 2026 йилдаги ижросини таъминлашга қаратилган Давлат дастури лойиҳаси юзасидан батафсил маълумот берди.



ДЕПУТАТЛАР ҲУДУДЛАРДА

МУАММОДАН АМАЛИЙ ЕЧИМГАЧА...

Шунингдек, ҳудуд ва корхона доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар, уларнинг ижтимоий нафақалари ўз вақтида тўланиши борасидаги

қайси масалаларни кўтариб, қайси йўналишларда амалий фойда келтира оламан, деган саволлар билан йўлга тушаман. Маҳаллаларда бўлиб ўтган учрашувлар давомида фуқаролар

етарлича самарали эмаслиги ойдинлашди. Мазкур муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли масъул идоралар билан ҳамкорликда аниқ чора-тадбирларни белгилаш, таълим сифатини ошириш ҳамда ўқувчиларнинг дарсларга тўлиқ ва ўз вақтида қатнашишини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Депутатимиз Муқаддас Ўразалиева Зомин туманида жойлашган спорт мактаби фаолияти билан яқиндан танишди.

Депутат спорт мактаби раҳбарияти ва масъул ходимлар билан суҳбатлашиб, спорт соҳасини янада ривожлантириш, ёшларни оммавий спортга кенг жалб этиш, иқтидорли спортчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича таклиф ва тавсияларини билдирди.

Спорт мактабидаги машғулот заллари, спорт жиҳозларининг ҳолати, ўқув-машғулот жараёнининг ташкил этилиши, шунингдек, ёш спортчилар учун яратилган қулайликлар кўздан кечирилди.

Мавжуд инфратузилма имкониятлари, таъмирталаб жойлар ҳамда спорт турларини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган айрим муаммолар жойида ўрганилди.

Шунингдек, спорт мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий спорт жиҳозлари билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Фракциямиз аъзоси Ф. Шарипов Денов туманидаги 3691-сонли ҳарбий қисм, тумандаги аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш штаби, "Янги арик", "Чағониён", "Боғи эрам" ва "Ўрикзор" маҳаллалари, Денов тадбиркорлик ва педагогика олийгоҳи, 50-сонли мактабда ва Smart kids мактабгача таълим ташкилотларида ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши котибиятида учрашувлар ўтказди.

Жумладан, «Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман (шаҳар)» мақоми берилган Денов тумани ва

Сайловчилар билан учрашувларда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирларининг мазмуни ҳамда аҳамиятини тарғиб қилди.

Фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан улар билан учрашиб, тегишли тушунтиришлар олиб борилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатларимиз О. Иминов ва А. Нурматов Андижон вилояти Пахтаобод тумани "Янгиобод" маҳалласида бўлиб, аҳоли вакиллари билан учрашувлар ўтказди. Иш билан таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ёки моддий ёрдам масаласи қоғозда эмас, балки одамлар ҳаётида қандай акс этаётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Депутатларимиз ҳудуддаги "маҳалла еттилиги" фаолияти билан танишиб, аҳолини иш билан таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, муҳтож, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш масалаларида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини кўздан кечиришди.

А. Нурматов ва О. Иминов маҳалла ҳудудида қурилиб, яқинда фойдаланишга топширилган тиббиёт пунктида бўлиб, шифокорлар билан суҳбатлашдилар. Муассаса жамоаси тиббиёт пункти қурилгани одамларга катта қулайлик яратганидан хурсандлигини, лекин қўшимча шифокор ва ҳамшира штатига зарурат борлигини маълум қилишди.

Депутатларимиз мутасаддилар билан боғланиб масалага ижобий ечим топишга келишиб олишди.

Учрашувлар давомида аҳоли билан бўлган самимий суҳбатлар шуни кўрсатдики, одамлар уларга кўрсатиладиган эътиборни, кадрлайди. Шу боис, маҳаллада олиб борилаётган ҳар бир иш инсон қадрини улуғлаш, унинг эртанги кунига умид уйғотишга хизмат қилиши зарур, – дейди А.Нурматов.

Шунингдек, депутатларимиз Д. Мамаджанова ва Ш. Аҳмедовлар Қўқон шаҳрида барпо этилаётган "Янги Ўзбекистон" массивида бўлишди.

Депутатлар қурилиш жараёнларининг белгиланган талаблар асосида, сифатли ва ўз мuddатида амалга оширилиши муҳимлигини таъкидлаб, бу борада тегишли тавсия ва таклифларини билдиришди.

Фракциямиз аъзоси Сайёра Имамова учрашувларини Беруний туманидаги 2-сон техникумидан бошлади.

Йиғилганларга Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномаси ҳамда "Ўзбекистон – 2030" стратегиясида белгиланган устувор вазифаларнинг аҳамияти ҳақида тушунтириш берди.

Жумладан, мактаб таълими ва касбий ривожланиш йўналишида белгиланган вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Фракциямиз аъзоси Зулайхо Акрамова Жиззах вилоятининг бир қатор туман ва шаҳарларида бўлиб, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борди.

Депутатимиз "маҳалла еттилиги" вакиллари билан учрашиб, йиғилганларга коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини етказди.

Учрашувда жамиятда ҳалоллик ва масъулият тамойилларини мустаҳкамлаш, давлат хизматчилари фаолиятида очиклик ва ҳисобдорликни таъминлаш, айниқса, ёшлар онгига коррупцияга қарши маданиятни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

— Ҳар бир раҳбар ўз фаолиятини қонунийлик, адолат ва халқ манфаатига хизмат қилиш асосида олиб бориши зарур. Коррупциянинг ҳар қандай кўринишига муросасиз муносабатда бўлиш – бугунги кун талаби, — деди депутат.

Суҳбат давомида маҳаллий Кенгашлар фаолияти, маиший коррупцияга қарши курашиш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Шунингдек, туман ва шаҳар ташкилотларида, жумладан, таълим, кадастр, тиббиёт, бандлик каби соҳаларда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати муҳокама қилинди.

Депутатлар томонидан жойларда олиб борилаётган ўрганишлар фақат мавжуд муаммоларни қайд этиш билан чекланиб қолмаяпти, балки уларнинг илдизига етиб бориш, ҳар бир масалага тизимли ёндашув асосида аниқ ва амалий ечимлар белгиланмоқда. Бу жараёнда қоғоздаги ҳисобот эмас, балки инсон тақдирини, аҳоли эҳтиёжи устувор аҳамият касб этмоқда.

Энг муҳими, ҳар бир учрашувда одамлар билан бевосита, очик ва самимий мулоқот йўлга қўйилмоқда, фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари, таклиф ва ташаббуслари эътибордан четда қолмаяпти. Бу эса давлат бошқарувида халқ манфаати биринчи ўринда туриши, давлат идоралари халқ учун хизмат қилиши керак, деган тамойилнинг ҳаётдаги ёрқин ифодаси ҳисобланади.

Ўз мухбиримиз.



ишлар билан қизикди.

Депутат корхона ишчиларини қийнаётган ижтимоий, иқтисодий муаммолар ва иш вақтида саломатлигини йўқотган ишчиларнинг ижтимоий муҳофазаси борасида суҳбатлашди. Мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш борасида масъуллар билан келишиб олинди.

Албатта, муаммонинг катта-кичиги бўлмайди. Одамларнинг кичик муаммоси ҳал бўлса, бу ҳудудда катта ўзгаришларга олиб келади, фуқаролар ҳаётдан рози бўлиб ашайди. Акс ҳолда улар йиғилиб-йиғилиб, ўткир ижтимоий-иқтисодий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Ҳал бўлган ҳар бир мурожаат ўнлаб, ҳатто юзлаб одамлар ҳаётида ўзгариш ясади, одамларнинг оғири енгил бўлади. Бугунги ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам шу аслида. Аҳолига яқинлашиш, ҳар бир инсон ҳаётидан рози бўлиб яшашига эришишдир.

Фракциямиз аъзоси Зокиржон Зоҳидов Бағдод тумани "Конизар" маҳалласида жойлашган 16-маҳсус таълим муассасасида ўрганиш олиб борганида бир қатор муаммоларга дуч келди.

Маълум бўлишича, бу муассасада ҳозирда 240 нафар бола тарбияланмоқда. Ўрганиш давомида бир қатор муаммолар, хусусан, коридор ва айрим хоналарда иссиқлик батареялари тўла қувват билан ишламаслиги, ошхонадаги аутсорсинг хизмати, вақтида овқат тайёрлаш ва унинг сифати масаласида жиддий камчиликлар аниқланди.

Бу муаммолар эса ўз навбатида муассасада тарбияланаётган болаларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатади, албатта.

Ўрганишлар якунида депутат мавжуд муаммоларнинг амалий ечими борасида мутасадди ташкилот ва масъуллардан аниқ режали ечимларни тақдим этишларини сўради.

— Ҳар сафар учрашувларга отланар эканман, олдиндан чўқур ўйга толаман: муҳокама қилинадиган масалалар, аввалги учрашувларда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар, одамлар билан бўладиган самимий мулоқот жараёнлари ҳаёлимдан ўтади, – дейди депутат. – Ҳар ой сайловчилар билан юзма-юз учрашиб, уларнинг ишончи ва эътибори, шу юртда туғилиб ўсган инсон сифатида Ватан олдидаги масъулиятимни янада теган ҳис қиламан. Бу гал улар олдида қандай сўзлар билан чиқаман,

юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларни очик-ойдин эътироф этишди. Улар ислохотларни қоғозда эмас, балки ўз ҳаёти мисолида ҳис қилаётганларини мамнуният билан таъкидлашди.

Айримлар давлат томонидан берилган субсидиялар эвазига янги иш бошлаганини, бошқалар имтиёзли асосда таълим муассасаларига ўқишга кирганини сўзлаб беришди. Яна кимдир фарзандининг соғлигини тиклаш йўлида кўрсатилган тиббий ва ижтимоий ёрдамдан миннатдор эканини билдирди.

Шунингдек, учрашувлар давомида фуқароларни ўйлантираётган муаммолар ҳам атрофлича ўрганилди. Аҳоли томонидан билдирилган ҳар бир масала, таклиф ва мурожаат эътибор билан тинтланиб, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, ечим йўллари юзасидан очик гаплашилди. Айниқса, иш билан таъминлаш, инфратузилмани яхшилаш, таълим ва тиббиёт соҳаларига доир масалалар фуқароларни кўпроқ қизиктираётгани кузатилди.

Айрим масалалар юзасидан шу жойнинг ўзида тушунтиришлар берилди, қонун доирасида ҳал этилиши мумкин бўлган мурожаатлар масъул идоралар билан ҳамкорликда назоратга олинди.

Яна бир депутатимиз И.Наризова Навоий вилояти Конимех туманидаги "Саржал" ва "Янгиғазгон" овулларида жойлашган мактаблардаги ҳолатни кўздан кечирди.

Ўрганиш жараёнида таълим муассасаларининг умумий ҳолати, ўқув жараёнининг самарадорлиги ҳамда ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитлар атрофлича таҳлил қилинди. Хусусан, айрим мактабларда иссиқлик таъминоти тизимининг етарли даражада барқарор ишламаётгани аниқланди, бу эса қиш мавсумида ўқув жараёнига салбий таъсир кўрсатиши қайд этилди. Шунингдек, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминлаш масаласида муайян камчиликлар мавжуд экани, айрим фанлар бўйича ўқув адабиётларининг етишмаслиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, болаларнинг айрим ҳолларда мактабга ўз вақтида келмаслиги, дарс қолдириш ҳолатлари мавжудлиги ҳам алоҳида эътиборга олинди. Ушбу ҳолатларнинг сабабларини ўрганиш жараёнида оилавий шароит, транспорт масалалари ҳамда назорат механизмларининг

"Боғи эрам" маҳалласида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганиб, ушбу амалиётни янада такомиллаштириш юзасидан суҳбатлашилди.

Ф.Шарипов шу билан бирга, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш ва ягона маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида ўтказиб келинаётган аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш бўйича туман штаби фаолияти ҳамда бу борада олиб борилаётган ишлар ҳолатини кўздан кечирди.



МУНОСАБАТ

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЯ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Одилжон МАМАТКАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
аъзоси.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Сўнгги йилларда давлат раҳбарлари ўртасида шаклланган мунтазам мулоқот стратегик шерикликни институционал жиҳатдан мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгаши, ҳукуматлараро комиссиялар ва стратегик режалаштириш механизмлари орқали ҳамкорликнинг барча йўналишлари тизимли равишда ривожлантирилмоқда. Халқаро майдонда ҳам Ўзбекистон

ва Туркия позицияларининг яқинлиги, БМТ, Туркий давлатлар ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли тузилмалар доирасида Ўзаро қўллаб-қувватлаш амалиётининг изчил давом этиши икки давлатнинг минтақавий ва глобал барқарорлик масалаларида ҳамфикр эканини намоён этади. Бу сиёсий уйғунлик иқтисодий ҳамкорликнинг жадал ривожланиши учун ҳам қулай муҳит яратмоқда.

Савдо-иқтисодий муносабатлар сўнгги йилларда юқори суръатларда ўсиб, Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 3 миллиард доллардан ошди. Қўшма корхоналар сони 2,2 мингдан ортгани, инвестиция лойиҳаларининг умумий қиймати миллиардлаб долларга етгани иқтисодий шерикликнинг мустаҳкамланаётганидан далолат беради. Авиа қатновларнинг ҳафтасига қарийб 100 тага етгани эса ишбилармонлик ва туризм алоқаларини янада фаоллаштирмоқда. Келгуси йилларда имтиёзли савдо механизмларини кенгайтириш орқали товар айирбошлаш ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш мақсад қилиб қўйилгани ҳамкорликнинг

узоқ муддатли стратегик йўналишини белгилаб бермоқда. Саноат кооперацияси, қишлоқ хўжалиги, транспорт, энергетика ва махсус иқтисодий зоналар соҳасида янги лойиҳаларни илгари суриш икки иқтисодиётнинг Ўзаро боғлиқлигини янада кучайтирмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик билан бир қаторда маданий-гуманитар алоқалар ҳам муносабатларнинг муҳим устунига айланган. Қўшма театр фестиваллари, маданият ҳафталиклари, тарихий фильмлар ишлаб чиқариш ва маданий мерос объектларини тиклаш ташаббуслари халқлар ўртасидаги маънавий яқинликни чуқурлаштирмоқда. Таълим соҳасидаги ҳамкорлик, ректорлар форумлари ва академик алмашинув дастурлари ёш авлодни умумий қадриятлар руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Туризм, тиббий хизмат ва боғдорчилик соҳаларида илғор тажрибаларни жорий этиш бўйича келишувлар амалий натижалар бермоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга амалга оширган расмий ташрифи ана шу кенг кўламли шерикликнинг ёрқин ифодаси бўлди. Икки давлат раҳбарлари ўртасида ўтказилган

музокараларда кенг қамровли стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди ҳамда олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг тўртинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда сиёсат, иқтисодиёт, инвестиция, транспорт, энергетика, маданият ва хавфсизлик соҳаларида амалий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича Қўшма баёнот ҳамда кўплаб икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Ташриф инсонпарварлик ва қардошлик муносабатларининг амалий ифодаси билан ҳам аҳамиятли бўлди. Ҳатай вилоятининг Арсуз туманида Ўзбекистон томонидан барпо этилган “Ўзбекистон” турар жой мажмуасининг очилиши зилзиладан жабр кўрган турк халқига кўрсатилган самимий ёрдам рамзи сифатида баҳоланди. Қисқа муддатда барпо этилган юзлаб замонавий хонадонлар икки халқ ўртасидаги абадий дўстликнинг ёрқин намунасидир.

Шунингдек, Истанбулда Ўзбекистоннинг хориждаги биринчи мактаби қурилишини бошлаш маросими ўтказилди. Бу мактабнинг очилиши, аввало, Туркияда яшовчи ўзбек оилалари фарзандларига она

тили, маданияти ва миллий қадриятларини сақлаб қолган ҳолда таълим олиш имконини яратиши билан муҳимдир. У хорижда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ўз илдизларидан узилмасдан камол топишига хизмат қилади. Шу билан бирга, мактаб икки қардош халқ ўртасидаги маданий кўприкни мустаҳкамлайди ва Ўзбекистоннинг хориждаги гуманитар таъсирини кучайтиради. Қолаверса, бу ташаббус узоқ муддатли ишонч ва стратегик яқинликнинг амалий ифодаси сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Бугун Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги муносабатлар Ўзаро ишончга таянган, иқтисодий манфаатлар ва маънавий яқинликни уйғунлаштирган мустаҳкам стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Қўшма лойиҳалар, кенг кўламли келишувлар ва инсонпарварлик ташаббуслари бу ҳамкорликнинг узоқ муддатли ва барқарор эканини кўрсатмоқда. Икки қардош давлатнинг биргаликдаги саяё-ҳаракатлари нафақат миллий тараққиётга, балки бутун минтақа барқарорлиги ва фаровонлигига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.



Ғолибжон МАҲАММАДЖАНОВ,
сиёсий фанлар бўйича
фалсафа доктори (Phd).

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ташаббусли бюджет жараёнларини такомиллаштириш доирасида халқ вакиллари ва сайловчилар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, Қонунчилик палатасида ташаббусли бюджет жараёнларини мувофиқлаштириш, лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан парламент назоратини олиб бориш учун 11 нафар депутатдан иборат парламент комиссияси ташкил этилиши каби ҳудудлардаги муаммоларга ечим топиш бўйича янги, инновацион механизм жорий этилиб, унда депутатнинг мақоми алоҳида белгиланди.

Лойиҳага кўра, 2026 йил 1 январдан депутатлар ҳар йили ташаббусли бюджет жараёнларида тегишли сайлов округларида ғолиб бўлмаган лойиҳалар орасидан аҳолининг кундалик ҳаёти ва ҳудудни ривожлантиришга таъсир қиладиган 2 та лойиҳани (ҳар мавсумда 1 тадан) “Очик бюджет” ахборот порталида танлайди. Бу тизим депутат ва электорат ўртасида мулоқот ўрнатиш жараёнида янги сиёсий воқелик сифатида баҳоланиши мумкин.

Тан олиш керакки, бундай қарорлар депутатлик фаолияти мазмунини тубдан ўзгартиришга хизмат қилади. Энди депутат нафақат аҳоли муаммосини билиш, балки ташаббус кўрсатиш ва уни молиявий жиҳатдан таъминлаш имконига эга. Бу, албатта, ҳар бир депутатни замон билан ҳамнафас бўлишга қорлайди, чунки унда ҳисобдорлик кучайди.

Мазкур йўналишда депутатлар ўз сайловчиларига хизмат қилиш учун маҳаллий ҳокимиятлар ва давлат органлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, ижтимоий дастурлар ва муҳим ижтимоий вазифаларни бажаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Халқ вакиллари шу тариқа нафақат ҳаётий қонунлар қабул қилиш, ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратини

САЙЛОВ ОКРУГИ ВА СИЁСИЙ МАСЪУЛИЯТ

амалга ошириш, шунингдек, мурожаатларга ечим топиш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш жараёнларида бевосита фаол иштирок этмоқда. Демак, ҳудудларда, округларда аҳоли билан иш самарадорлиги масаласи доимо диққат марказида турши лозим.

Халқ демократик партияси депутатлари сайловчилар билан мулоқот асосида иш тутиш, учрашувларда кўтарилган масалаларга амалий ечим топиш, долзарб ижтимоий масалаларни сиёсий муҳокамаларга олиб чиқиш, мутасадди раҳбарларнинг ахборот ва ҳисоботларини тинглаш, таъсирчан қарорлар қабул қилиш йўналишларида самарали фаолият юритмоқда. Бу ҳақда кўп мисол ва рақамларни келтириш мумкин. Утган даврда фракция аъзолари сайлов округларидаги фаолияти давомида 1095 маротаба учрашув ўтказиб, жами 755 та хонадонга ташриф буюрди ҳамда 1000 дан ортиқ ижтимоий соҳа объектларининг фаолияти билан танишилди. Шунингдек, фракция аъзолари номига фуқаролардан жами 463 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, уларнинг 141 таси ижобий ечим топган, қолган мурожаатлар кўриб чиқиш учун тегишли идоралар ва ташкилотларга юборилди. Бу ортга қайтмас амалиёт сифатида давом этиши мақсадга мувофиқ. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, “... ҳозирги депутатларга берилган катта ваколат ва имкониятлардан самарали фойдаланиш лозим”.

Дарҳақиқат, бугунги кунда халқ вакилларига халқимизнинг, давлат ва жамиятнинг ишонч даражаси, эҳтиёжи янги босқичга кўтарилди.

ДУНЁДА ҚАНДАЙ?

Бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларида депутатлар жамоат вакиллари сифатида натижалли фаолият юритишга, халқ манфаатларини таъминлашга интилишмоқда. Ҳар бир мамлакатда депутатлар иши турлича шакланса-да, уларнинг асосий мақсади – халқнинг ишончини оқлаш, муаммоларга ечим топиш ва янгиликларга интилишдир. Ҳар бир жойда мақсад бир, механизмлар ва услублар бошқача, холос. Канадада депутатлар

сайлов округларида жамоат муаммоларини хал қилиш мақсадида ҳар ойда 1 марта жонли эфир (ТВ) ташкил этади. Бу сайловчи олдида очиклик ва ҳисобдорликнинг муҳим тамойили ҳисобланади.

Германияда депутатлар ҳар ой якунида сайловчилар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг эҳтиёжларини ўрганишга оид социологик сўровномалар ташкил этишади. Ушбу метод муаммоларга амалий ечимлар топишга ёрдам берадиган турли ижтимоий лойиҳаларни шакллантиришда аҳамиятли.

Австралияда депутатлар сайлов округларидаги ишни фаол олиб боришда ноодатий услуб – шу ҳудуд аҳолиси билан 3-4 кун давомида бирга яшаб, уларнинг ижтимоий муаммолари ва ҳаёт тарзини ўзларида ҳис қилиб кўрадилар. Бунинг натижасида ҳудуд аҳолисининг нафақат депутатга, балки тизимга, ҳаётга ишончи ошади.

ИШ САМАРАСИ ҚАЕРДА КЎРИНИШИ КЕРАК?

Албатта, қонун ижодкорлиги асосий фаолият. Халқ манфаатларини ҳудудларда, айнан сайлов округларида ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий шароит яхшиланишига, давлат ва жамият ривожига хисса қўишини эсдан чиқаришга ҳаққи йўқ.

Ҳозирги кунда сўзларни эмас, унинг амалийлигини кўрсатишга мажбурмиз. Чунки бугунги фуқаролар кечаги фуқаролар эмас, ислохотлар оддий сўзлар, ғоялар эмас. Айниқса, сайлов округларида ўз вазифасини бажараётганида ҳар бир масалага виждонан ёндашиши сиёсий масъулиятнинг муҳим кўрсаткичидир.

Аммо “гуруч курмаксиз бўлмайди” деганларидек, айрим депутатларнинг ҳудудларга чиқиши ҳақидаги маълумотларни кўриб-кузатиб, ўйлаиб қоласан киши.

Аслида “Депутат келмайди”, “Депутат эшитмайди”, “Депутатни танимайман”, деган гаплар замирида фуқаролар, сайловчилардан сиёсий сигнал,

“дадилроқ бўлиб ишлаш керак” мазмундаги халқона даъват ҳам бор.

АСОСИЙ “ИШ СТОЛИ”

Депутатлар ўз халқидан ишонч олган, шунинг учун одамларнинг манфаатларини кўзлаган, ҳимоялашга интиладиган шахслар бўлиши керак. Ҳар бир депутатнинг вазифаси фақат парламентда ёки қонун чиқариш жараёнида иштирок этиш эмас, балки овоз берган жамоатининг ҳаётини яхшилаш учун курашишдир. Бу вазифа ҳудудларда, электорат билан учрашувларда ҳал бўлади, қоғозларда эмас.

Айрим ҳолатларда депутатларнинг округлардаги фаолияти ижтимоий тармоқ учун “ясалган” айрим нотабийи фото ва видеолардан иборат бўлиб қолаётгани ачинарлидир.

Қани муаммо, қани унинг ечими? Бир фотода масала ечилганлигига ёш бола ҳам ишонмайди. Округга бориб-келиш яхши фонда суратга тушиб қайтиш эмас, албатта. Ҳеч бўлмаганда, “шу ҳудуддагилар яқинларим, оилам, фарзандларим билан боғлиқ одамлар, яъни ўзимникилар, шуларга фойдам тегсин”, деб ёндашиши керак, назаримизда.

Ўрганишлар депутатлар сайлов округларида қатор масалаларга эътибор қаратиши кераклигини кўрсатмоқда.

Учрашувларни ташкил этиш ва ундан ҳудуд аҳолисини хабардор қилиш механизмлари қўлланмайди. Кейин эса айрим ҳолларда уddaбурон депутатлар учрашувларни “зудлик билан ташкил қилиш” операциясини амалга оширади. Барака топкур, бир алдарсан, икки алдарсан, аммо ўзингни қандай алдайсан, деб сўрагинг келади. Ўзини алдашдан уялмайдиган, бошқаларни эмас, аввало, ўзини иззатламайдиган кимсадан элга фойдаси тегадиган одам чиқиши қийин. Бундай кимсалар психологияси мактабларда “уй вазифасини мендан сўрашмаса эди”, деб паналайдиган болаларнинг психологиясига ўхшаса керак.

Айрим депутатлар ҳудуддаги муаммоларни ўрганиш, дахлдор

мутасаддиларни таснифлаш, энг асосийси, унинг ечими, назорати бўйича аниқ тизимни йўлга қўймагани билиниб қолмоқда.

Депутат ҳудудларга борганда аҳоли билан учрашувлар ташкил этади, уларнинг фикрларини эшитади.

Бу муҳим принцип. Ҳа, аввало, эшитади. Муаммони ва унинг мутасаддиларини аниқлайди. Унинг ечимини туман даражасида, вилоят даражасида ёки республика даражасида хал қилиш йўлларини белгилайди. Муаммо юзасидан керакли ташкилотларга сўровлар чиқаради, қисқаса, муаммони ҳал этишда етакчилик қилиши керак.

Депутатнинг фаолиятини кўрсатиб берувчи муҳим омил – бу уларнинг ижтимоий тармоқларда, ОАВда чиқиши, жамоатчилик олдида ҳисобдор бўлиши. Аммо айрим депутатлар ўз фаолиятини ёритиш борасида жиддий камчиликларга йўл қўядилар. Билимни ёки билмасданми – бу фақат ўзига аён. ОАВ жиддий ва масъулиятли сиёсий майдон. Фаолиятни кенг ёритиш, жамоатчиликка етказиш учун шунга ярашадиган натижа, таклиф, ҳеч бўлмаса, жўяли фикр бўлиши керак. Буларнинг биронтасига куч етмаса, ҳар хил баҳоналар қидиргандан фойда йўқ.

Учрашувдан, мажлисдан олинган оддий суратлар ҳам ҳаммасини айтиб туради.

ВИЖДОН ВА МАСЪУЛИЯТ ТАНДЕМИ

Ҳар бир депутатнинг виждони, дунёқараши унинг сиёсатида асос солади.

Виждон ва масъулият – бу нафақат ахлоқий нуқтаи назардан муҳим, балки мамлакатнинг муваффақияти учун ҳам зарур. Агар депутат ҳар бир қарорни халқ манфаатлари ва тараққиёт нуқтаи назаридан тўғри баҳо бериб қабул қилса, у ҳолда ўз халқининг ишончини янада мустаҳкамлайди.

Юртимизда депутатлик институтининг юксалиши халқ билан, сайловчилар билан изчил ва самарали ҳамкорлик натижаларига ҳам боғлиқдир. Ҳар бир депутат Ўзбекистоннинг демократик ва сиёсий ривожига менинг ҳам хиссам бўлиши керак, деб ишлашига тилақдошимиз.

Бу гаплардан мурод кимнидир танқид қилиш эмас, берилган ишонч ва имкониятни оқлаш зарурлигини айрим депутатларга эслатиб қўйиш, холос.

ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

АМАЛИЙ ИШЛАР

одамларнинг оғирини енгил қилмоқда



Латиф МАНСУРОВ,
ЎзХДП Юқори Чирчиқ туман кенгаши
раиси, “Дўстлик” ордени соҳиби.

Сўнгги пайтларда маҳаллий вакиллик органлари функцияларининг тизимлаштирилиши, ваколатлари кенгайиши кенгашлар, депутатлар ва жойлардаги партия ташкилотларининг янада самарали фаолият юритиши, сифатли қарорлар қабул қилишларига ёрдам бермоқда. Бир пайтлар қуруқ ҳисобот бериш, шунчаки қўл кўтариб, тасдиқлаш билан ўтган сессияларимиз ҳозир жонланган. Депутатларимизнинг сессиялардаги иштироки фаоллашиб, аҳоли билан мулоқоти кўпайган.

Депутат ва партия ташкилотлари бирлашса, мақсад ва ғояларини муштарак қилса, ана шунда кучли бўгинга, одамлар таянчига айланади.

Халқ депутатлари Кенгашида ҳам ўз салоҳиятига эга бўлади. Ҳар бир маҳаллий Кенгашда аҳолининг муаммолари ва эҳтиёжларини аниқлаш учун жамоатчилик фикрини ўрганиш ва муҳокама қилиш тизими йўлга қўйилган.

Фикримизни амалий ишларимиз мисолида давом эттирадиган бўлсам, айни пайтда Юқори Чирчиқ туманида партияимизнинг 10982 нафар аъзоси бор. Туман партия ташкилотининг 44 та бошланғич ташкилотлари мавжуд.

Ўтган йили халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан 9 та масала доимий комиссия йиғилишда кўриб чиқилди. 6 та масала эса сессия муҳокамасига киритилди.

Сайловчилар ва электротар вакиллари қийнаётган 33 та муаммо юзасидан тегишли мутасадди ташкилот раҳбарларига депутатлик сўровлари юборилди. Партия қошида ташкил этилган “Жамоатчилик қабулхонаси”га йил давомида 165 нафар фуқаро ўзларини қийнаб келаятган масалалар юзасидан мурожаат қилишди.

Одамлар кўпроқ коммунал соҳа, ишга жойлашиш, касбга ўқиш, моддий ёрдам сўраб мурожаат қилишмоқда. Биз ҳар бир мурожаатни жойида ўрганиб, ваколат доирасида ҳал қилишга ҳаракат қиямиз, албатта.

Жумладан, депутат Гулчеҳра Ўтбосарова 30 нафардан ортиқ ишсиз ва кам таъминланган хотин-қизларнинг “Нозима люкс” ўқув марказида пазандачилик, тикувчилик, компьютер курсларида бепул ўқишларига кўмак берди.

Тумандаги “Кавардон” маҳалласида истиқомат қилувчи Дилфуза Тўлаганова ва “Йиқ ота” маҳалласида яшовчи кам таъминланган Нигора Набиева уч ойлик парда тикиш курсида ўқитилди. Уларнинг ҳар иккисига тикув машинаси совға қилинди ва ўз ишини бошлашига яқиндан кўмаклашилди.

Депутат Мадияр Аҳмедов эса “Қурсой” маҳалласида яшовчи, ижтимоий реестрда рўйхатда турувчи, ногиронлиги бор фарзанднинг онаси Юлдуз Айтмуратованинг хонадонини ҳомийларни жалб этган ҳолда ҳашар йўли билан таъмирлашга бош-қош бўлди.

Яна бир депутатимиз Рустам Абдумуратов “Жумабозор” маҳалласида истиқомат қилувчи Фаррух Ариповга оиласида чорвачиликни ривожлантириши учун 33 миллион сўм имтиёзли кредит олишида амалий ёрдам кўрсатди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин.

Партияимиз депутатлик гуруҳи аъзолари доимий равишда сайёр қабуллар ҳам ўтказиб, аҳоли муаммоларини ўрганиб келмоқда.

Масалан, депутат Гулчеҳра Ўтбосарованинг “Ўзбекистон” маҳалласида ўтказган сайёр қабулида “Марҳабо” кўчасидаги ичимлик суви муаммоси, “Шодон” кўчасида электр қуввати пастлиги, “Бирдамлик” кўчасида табиий газ қувуридан газ сизиб чиқаётгани юзасидан мурожаатлар бўлди. Ушбу мурожаатлар тегишли ташкилот мутасаддилари билан жойига чиқиб ўрганилиб, ўз ечимини топди.

Ускенбай Атемов томонидан ўтказилган сайёр қабулда эса “Саховат” маҳалласи аҳолиси томонидан электр симёғочларини ўрнатиш ва электр симларини тартибга келтириш масаласи кўтарилган эди. Ушбу мурожаат асосида ҳолат ўрганилиб, муаммони бартараф этиш юзасидан чоралар кўрилди.

Депутатнинг сайё-ҳаракати билан муаммога ечим топилиб, электр симёғочларни ўрнатиш, эски симларни янгисига алмаштириш ва электр тармоқларини таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Шуни фахр билан айтишим керакки, депутатлар халқнинг фикри ва муаммоларини, хоҳиш-истакларини ўрганиш, мурожаатларини эшитиб, уларни ҳал этишда жиҳоатли ва ташаббускор бўлишга интиломда. Шу тариқа камчиликлар ҳам бартараф этиб келинмоқда.

МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ УЧУН ИМКОНияТЛАР ЕТАРЛИ



Нигора ЭШМЕТОВА,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар
Кенгаши депутати.

Халқимизнинг хоҳиш-иродаси, замон шиддати бугун депутатлар олдига янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймоқда. Халқ вакили қанчалик одамларга яқин, улар билан ҳамфикр, ҳамнафас бўлса, сайловчилар шунча рози бўлади.

Яқинда Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги “Янги Тарнов” маҳалласида ўрганиш ишларини олиб бордик. “Маҳалла еттилиги” фаолияти билан танишдик. Ўрганиш давомида маҳалла ҳудудида амалга оширилаётган ишлар, фуқаролар мурожаатлари ва мавжуд муаммолар муҳокама қилинди.

Шунингдек, маҳалладаги Қози Тарнов 2-тор кўчасида жойлашган кўп қаватли уйларнинг ҳолати ўрганилди. Назорат ишлари давомида баъзиларининг фасад ва том қисмларини таъмирлаш зарурати аниқланиб, бу ишларни амалга ошириш учун кредит ажратилиши депутатлик назоратига олинди.

“Отчопар-1” маҳалласида эса мактабгача таълим муассасаси муаммоси кўтарилди. Ҳозирда маҳаллада 11 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, кўп болали ва ёш оилалар анча. Мактабгача таълим муассасасининг йўқлиги сабаб, ишга лаёқатли аёллар фарзанд тарбияси билан машғул бўлиб, касбий йўналиши бўйича ишлай олмапти. 1–6 ёшдаги болалар сони 1 100 дан ортади. Болаларнинг дастлабки билим ва кўникмаларини, спорт ва санъатга бўлган қизиқишини шакллантириш, уларни боғчадан

мактабга тайёр ҳолда ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу мурожаат асосида Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғига юборилган депутатлик сўровига йўлланган жавобда 2026 йилда давлат дастурлари доирасида Юнусобод тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими томонидан аввалги 160-сонли мактабгача таълим ташкилоти ҳудудига қарашли бўш ер майдонида 360 ўринли МТТ қуриш бўйича таклиф киритилгани билдирилган.

Бундан ташқари, Астрономия паркида олиб борилаётган қурилиш ишлари ўрганилиб, объектнинг яқунланиш босқичи, иш сифати ҳамда хавфсизлик талабларига амал қилиниши бўйича масъуллар билан суҳбат ўтказилди.

Мулоқот чоғида Осиё кўчасидаги 12-кўп қаватли уйда учта эскирган лифтни янгисига алмаштириш ишлари ҳали яқунланмагани, шунингдек, уй ёнидаги спорт майдончаси капитал таъмирланмаганлиги аниқланди. Мазкур объектни таъмирлаш учун 76 миллион 816 минг сўм маблағ ажратилишига эришилди. Фаолиятимиздан бунга ўхшаган бир қанча мисолларни келтириш мумкин.

Албатта, реал ҳаётдан ва халқ эҳтиёжларидан узилиб қолмаган депутат кам бўлмайди. Ҳамма гап сайловчи ҳузурига тез-тез боришда, улар билан елкама-елка туришда аслида.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан депутатларга ўз округидаги муаммоларни ҳал этиш учун маблағ ажратилмоқда. Шунга асосан, яқинда Тошкент шаҳар ҳокимининг пойтахт маҳаллалари ҳудудларини ободонлаштириш ва ижтимоий соҳа объектларида қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш тўғрисидаги қарори имзоланди.

Қарорга кўра, менинг сайлов округим бўлган Юнусобод туманидаги 39-Минор округи ҳудудига қирадиган 11 та маҳаллага бир миллиард сўм маблағ ажратилди.

Ушбу маблағ болалар майдончалари, спорт ва футбол майдончалари, пиёдалар йўлагини жорий таъмирлаш каби муаммоларни ҳал этишга йўналтирилади.

ФАРҒОНА: МАКТАБЛАРНИНГ САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА ИНФРАТУЗИЛМАСИ ҚАНДАЙ?

Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлари йил бошидан бери Қўқон шаҳри, Бешариқ, Бағдод, Бувайда, Данғара, Риштон, Ўзбекистон ҳамда Фурқат туманларидаги умумий ўрта таълим муассасаларида ичимлик суви таъминоти ва санитария-гигиена инфратузилмаси ҳолати ҳамда сув манбалари, уларнинг ишлаш барқарорлигини ўрганиш.

Ўрганиш натижаларига кўра, жамоатчилик фаоллари, масъул идоралар вакиллари, мутасадди ташкилотлар иштирокида жамоатчилик эшитув ишлари ташкил этилди.

Маълум қилинишича, бугунги кунда вилоятда 955 та умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, шундан 852 таси лойиҳа асосида, 103 таси мослаштирилган бино-иншоотда фаолият олиб боради. Мавжуд 955 та муассасанинг 280 таси марказий ва 675 таси маҳаллий оқова сув тармоқларига уланган.

Йиғилишда айрим таълим муассасаларидаги ичимлик суви таъминотидаги носозлик ва узилишлар танқидий муҳокама қилинди.

Маълумотларга кўра, Санитария-эпидемиологик

осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитасининг Фарғона вилоят бошқармаси томонидан 2025 йил давомида ўтказилган текширишлар давомида аниқланган қонунбузилишлар бўйича 905 нафар масъулларга нисбатан маъмурий жарималар қўлланиб, 34 марта мактабгача ва мактаб таълими бўлимларига тақдимномалар киритилган.

Жамоатчилик эшитувидида тизимдаги муаммолари масалалар манзили бўйича алоҳида-алоҳида муҳокама қилиниб, мутахассислар ва депутатлар томонидан атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси болаларнинг саломатлиги ва гигиеник нуқтаи назардан хавфсизлигини ўйлаб, мактаб бинолари ичида ўқувчилар учун доимий тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизимини ташкил этиш, хусусан, сув кулларларини ўрнатиш зарур, деб ҳисоблайди. Белгиланган жойларга (қаватлар, коридорлар ёки ошхона яқинига) ичимлик суви кулларларини ўрнатиш ўқувчиларнинг соғлиғини сақлаш ва соғлом турмуш тарзини



шакллантиришга хизмат қилади.

Йиғилишда мактаблардаги тоза ичимлик суви таъминоти ва санитария-гигиена инфратузилмасини ташкил этишга масъул ташкилотлар раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги Халқ демократик партияси депутатлари мутасаддиларга камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳамкорликда ишлашни таклиф қилди. Мактабларда болаларга, айниқса, қиш кунларида қулай шароит яратиш учун қатъий чоралар кўриш зарурлиги қайд этилди.

ҚЎШҚЎПИР: ҚИЗАЛОҚНИНГ КЎЗИГА НУР ҚАЙТДИ

Баъзан бир варақ қоғоз юзидаги матн кимнингдир умидга тўла кўз ёшларини, кимнингдир эртанги кунга бўлган ишончини ифодалайди. Ана шундай мурожаатлардан бири – депутатлик сўрови мурғак Асалойнинг ҳаётига нур олиб кирди.

Депутатнинг аҳоли билан учрашувлари давомида Қўшқўпирнинг Чаманзор маҳалласида яшовчи фуқаро Мавлуда Хўжаметова Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали ҳулосасига кўра, 2020 йилда туғилган қизи – Асалой Ўктамованинг кўзини жароҳлиқ йўли билан даволаш тавсия

этилганини таъкидлаб, шу масалада ёрдам сўради.

Мазкур ҳолат юзасидан 8-Ғозовот сайлов округидан халқ депутатлари Қўшқўпир туман Кенгаши депутати Махмуд Тангриберганов тегишли мутасаддиларга депутатлик сўрови юборди. Қонун талабларига мувофиқ равишда масала тезкорлик билан ўрганилди ва ижобий ҳал этилди.

Энг муҳими, бугун Асалой дунёни янада ёрқинроқ, равшанроқ кўра олади. Бу эса фақат тиббий ютуқ эмас, балки инсонпарварлик, масъулият ва халқ дардига бефарқ бўлмасликнинг яққол намунасидир.

Ушбу воқеа бир ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади:

агар мурожаат ўз вақтида эшитилса, агар депутатлик сўрови қоғозда қолиб кетмасдан, амалий ҳаракатга айланса, ҳатто инсон тақдири ўзгаради.

Ойбиби ЮСУПОВА,
Ўзбекистон ХДП
Қўшқўпир туман
Кенгаши раиси.



НАМАНГАН: ЁШЛАРНИНГ СИЁСИЙ БИЛИМЛАРИ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Партияимизнинг Наманган вилоят кенгаши томонидан “Сиёсатдаги ёшлар” интеллектуал турнир ташкил этилди.

Мазкур тадбир ёшларнинг сиёсий билимини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш ҳамда сиёсий жараёнларга дахлдорлик

ҳиссини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилди.

Беллашувлар 3 та шарт асосида ташкил этилди. Шартлар иштирокчиларнинг сиёсий саводхонлиги, мантиқий фикрлаши, тезкор қарор қабул қилиш қобилияти ҳамда жамоавий ишлаш

қўникмаларини аниқлашга қаратилди. Қизгин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар ва таҳлилий фикрлар орқали жамоалар ўз салоҳиятини намоен этдилар.

Бундай интеллектуал турнирлар ёшларнинг сиёсий тафаккурини ривожлантириб, етакчилик қўникмаларини шакллантиради ҳамда жамият ҳаётида фаол иштирок этадиган етуқ кадрлар сифатида камол топишига хизмат қилувчи муҳим майдон бўлади.

ИҚТИСОДИЁТ

– 2025 йилда иқтисодий фаоллик кутилганидан юқори даражада шаклланди, бу жараёнда барқарор ялпи талаб омиллари устувор бўлди, – деди МБ раиси Тимур Ишметов матбуот анжуманида. – Инфляция пасайиш динамикасини сақлаб қолиб, товарлар нархлари ўсишининг секинлашиши кенг қамровли тус олмақда. Шу билан бирга, талаб омиллари таъсирида хизматлар инфляциясининг нисбатан юқори даражада сақланиб қолиши, шунингдек, айрим озиқ-овқат товарлари нархларининг ўсиши мўайян хатарлар туғдираётгани ҳам рост.

Юқори инвестицион фаоллик, фискал харажатлар ҳамда пул ўтказмаларининг ортиб бориши 2026 йилда аҳоли даромадлари ўсиши ва истеъмол талабини қўллаб-қувватловчи омил бўлади. Шу билан бирга, айрим асосий озиқ-овқат товарлари таклифи билан боғлиқ хатарлар ва қиш мавсумида таъминотдаги узилишлар келгуси ойлarda нархларга оширувчи таъсир кўрсатиши мумкин.

Анжуманда Марказий банк раисига журналистлар долзарб саволлар билан юзланди.

– Анча вақтдан буюн Марказий банк асосий ставкани 14 фоиз даражасида сақлаб келмоқда. Регулятор нима сабабдан асосий ставкани туширмаяпти?

– 2025 йилда товарлар нархларининг ўсиши ҳамда инфляция пасайиши секинлашиши кенг қамровли хусусиятга эга бўлди. 2025 йил декабрь ойида умумий инфляция йиллик 7,3 фоизгача, базавий инфляция эса 5,7 фоизгача пасайди. Бунда қатъий пул-кредит сиёсати, сўм курсининг мустаҳкамланиши ва импорт нархлари ҳисса қўшгани қайд этилди. Ташқи иқтисодий муҳитда ноаниқликлар бўлса-да, умумий таъсир мўътадил бўлиши кутилмоқда. Қимматбаҳо металллар нархларининг юқорилиги экспорт тушумларини қўллаб-қувватлайди.

Ички валюта бозорига экспорт тушумлари ва пул ўтказмалари ҳажми таъсирида сўм 2025 йилда 6,9 фоизга мустаҳкамланди. Бу импорт инфляцияси ва долларлашув даражасини пасайтиришга ёрдам берди.

АСОСИЙ СТАВКА ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИ

Марказий банк бошқаруви йиғилишида асосий ставкани йиллик 14 фоиз даражасида сақлаб қолиш тўғрисида қарор қабул қилинди.



– 2025 йилда Ўзбекистонга пул ўтказмалари ҳажми қанча бўлди?

– 2025 йилда Ўзбекистонга пул ўтказмалари ҳажми 18,9 миллиард долларни ташкил этди. Бу 2024 йилдаги кўрсаткичдан (\$14,8 миллиард) 27,2 фоизга кўп. Бунга асосий ҳамкор давлатлар валюталарининг мустаҳкамланиши, жумладан, рублнинг кўтарилиши таъсир кўрсатди.

– Нима сабабдан «Yangi Bank» тугатилди?

– Ҳар қандай банкни ёпиш жудаям оғриқли масала. Биз учун бундай қарор қабул қилиш жудаям қийин. Албатта, қатъий қарор қабул қилишимиз керак

ҳар доим. Лекин биз имкон қадар банкни ёпмасдан, уни соғломлаштириш бўйича чоралар кўришга ҳаракат қиламиз. Чунки ҳар қандай банкнинг ёпилиши умуман банк тизимига нисбатан қандайдир салбий муносабатни туғдириши табиий. Қонунчиликка кўра, устав капиталининг энг кам миқдори 500 миллиард сўм бўлиши талаби 2025 йилдан қучга кирган.

2025 йил бошида «Yangi Bank»нинг ишлашига имкон бергандик. Акциядорлари регуляторга 1–2 чорак ичида ўзларининг бошқа бизнесларидан олинган дивидендлар ҳисобидан қўшимча капиталлашув режаларини тақдим этган. Лекин ваъда қилинган муддатда капитализация амалга оширилмагани, шу билан бир вақтда, унинг молиявий ҳолати ёмонлашиб боргани кузатилди. Тугатиш тўғрисидаги қарор

банкнинг молиявий аҳволи оғирлашмасидан олдин қабул қилинган.

Маълумот учун. 2026 йил 15 январь куни Марказий банк бошқаруви «Yangi bank» лицензиясини чақириб олиш ва уни мажбурий тугатиш жараёнини бошлаш тўғрисида қарор қабул қилган. Банк тугатилгани билан биринчи навбатда омонатчиларнинг – жисмоний ва юридик шахсларнинг пулларини тўлиқ қайтариш белгиланган.

– Paynet Xolis орқали махсус QR-код жорий этилиши атрофидаги баҳслар юзасидан ўз муносабатингизни билдирсангиз?

– Молия хизматлари соҳасида монополияни шакллантириш давлат сиёсатида зид бўлиб, аксинча, финтех стартапларни кўпайтириш ва рақобатни кенгайтириш устувор вазифа ҳисобланади. Оқиқчасига айтганда, молия хизматларини кўрсатишда монополия тарафдори эмасмиз. «Fintech» стартапларини қўллаб-қувватлаш, улар кўрсатаётган хизматлар турини ошириш ҳамда бор хизматларни амалга оширувчи субъектларни кўпайтиришдан иборат вазифамиз.

Амалдаги тартибга кўра, 2026 йил 1 январдан чакана савдо билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар электрон тўловларни қабул қилиш учун махсус QR-кодга эга бўлиши мажбурийдир. Ҳозирча бу махсус QR-кодни рақамли платформалар орқали эмас, амалда фақат Paynet Xolis иловаси орқали генерация қилиш имконияти мавжуд. Шу боисдан, Марказий банк рақобатга очиқ ва бошқа тўлов ташкилотларига ҳам ушбу хизматни кўрсатиш имкониятини беришга тайёр.

СИЗ УЧУН ҚИЗИҚ!

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИДАГИ ТАКОМИЛЛАШУВ: МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИДАН ТОРТИБ УЙ БЕКАЛАРИГАЧА



– Кимларга пенсия тайинланади ва иш стажы қандай ҳисобланади?

– Ёшга доир пенсия эркакларга 60 ёшга тўлганда 25 йил иш стажы, аёлларга 55 ёшда 20 йил иш стажига эга бўлганда тайинланади. Ушбу талаб этилганга нисбатан камроқ (камиди 7 йил) иш стажига эга бўлганларга тўлиқсиз пенсия тайинланади, яъни пенсия камроқ ҳисобланади.

Пенсия тайинлашда расмий ишлаб, иш ҳақи ҳисобланган даврлар, якка тартибдаги тадбиркор, ўзини ўзи банд қилган ёки хорижда ишлаган шахс сифатида Пенсия жамғармасига ижтимоий солиқ тўланган даврлар иш стажига ҳисобланади.

Демак, ҳар бир фуқаро иш фаолияти ва даромадини расмийлаштириш орқали пенсияга тайёргарлик кўриб боради.

Шу ўринда пенсия ёшига яқин қолган фуқароларимизга қуйидаги тавсияларни бермоқчимиз. Энг аввало, меҳнат фаолиятингиз расмий шаклда кетаётганига, ишлаётган ташкилотингизда сизга иш стажы ёзиб борилаётганига ишонч ҳосил қилинг. Буни ўзингиз

Рақамлаштириш, ижтимоий ислохотлар самарадорлигини ошириш жараёни қизғин кечаётган бир пайтда пенсия таъминотида ҳам қатор ўзгаришлар юз бермоқда. Айнан шу мавзуда газетхонларимиздан келган саволларга Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директори ўринбосари Нуриддин ШАДИХОДЖАЕВ жавоб берди.

мустақил равишда my.gov.uz портали орқали текшириб олсангиз ҳам бўлади. Рақамлаштириш даврида яшаётганимизни ҳисобга олиб, ўз иш берувчингиздан иш стажларингиз тўғрисидаги маълумотларни рақамлаштиришни талаб қилинг.

Шунингдек, ташкилотингиз томонидан сизга расмий шаклда иш ҳақи тўланаётганига эътибор беринг. Бунда сизга ҳисобланган иш ҳақи, ушлаб қолинаётган даромад солиқлари, жамғариб борилаётган пенсия учун ўтказилаётган маблағлар ва бошқаларни доимий равишда текшириб боринг. Агарда сиз норасмий шаклда фаолият юритаётган бўлсангиз, ўзини ўзи банд қилган ҳолда рўйхатдан ўтиб, Пенсия жамғармасига белгиланган тартибда ижтимоий солиқ тўлаб боринг. Бу орқали сиз иш стажингизни кўпайтириб борасиз.

Мабодо, ҳозирда меҳнат фаолияти юритмаётган бўлсангиз, камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимларига меҳнат дафтарчангиздаги маълумотларни рақамлаштиришни сўраб мурожаат қилишингиз лозим. Бунда рақамлаштирилган маълумотларингизни my.gov.uz порталида кўришингиз мумкин. Меҳнат фаолиятингиз

тўғрисидаги маълумотларни ҳозир рақамлаштириб қўйсангиз, пенсияга чиқиш вақти келганда ортиқча овора бўлмайсиз.

– Ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг иш стажы белгиланиши ҳақида кенгроқ маълумот берсангиз?

– Агар сиз ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтиб, белгиланган миқдорда ижтимоий солиқ (бир йил учун БҲМнинг бир баробари, яъни 412 минг сўм)ни тўлаб борсангиз, ҳар бир ижтимоий солиқ тўлаган йил “ишланган йил” сифатида меҳнат стажига қўшилади. Буни амалга ошириш учун икки қадам қиёфа. Биринчидан, my.gov.uz платформасида онлайн шаклда ёки Давлат хизматлари марказларига борган ҳолда рўйхатдан ўтилади. Иккинчидан, солиқ органларида ёки “Солиқ”, “Xazna”, “Click” мобиль иловалари орқали онлайн ижтимоий солиқ тўлови амалга оширилади.

– Уй бекалари ҳам пенсияга чиқиши мумкинми?

– Албатта. Бунда жисмоний шахс томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш

тарзидаги ўз даромадларидан расмий ишламайдиган хотини (ёки эри) учун ихтиёрий асосда Солиқ кодексига белгиланган тартибда ижтимоий солиқ тўланган давр пенсия ҳисоблашда иш стажы ҳисобида инобатга олинади. Жисмоний шахс мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб турмуш ўртоғи учун Пенсия жамғармасига ижтимоий солиқ миқдорини мустақил равишда тўлаш ҳуқуқига эга. Жисмоний шахс томонидан тўланган тўлов ҳужжатида унинг ишламайдиган хотини (эри) фамилияси, исми, отасининг исми, ЖШШИР ва тўлов амалга оширилаётган давр кўрсатилиши шарт.

– Пенсия миқдори фақат ойлик иш ҳақидан ҳисобланадими ёки устама ва мукофот пуллари ҳам инобатга олинадими?

– Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 октябрдаги тегишли қарори билан тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Низомининг 82-бандига мувофиқ:

- пенсия ҳисоблашда иш ҳақи таркибига, шунингдек, иш ҳақининг натурал қисмига 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун қонунчиликка мувофиқ суғурта бадаллари;
- 2019 йилдан кейинги давр учун Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 371-моддасида кўрсатилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромадлар киритилади.

Яъни фуқароларнинг меҳнат фаолияти давомида олган иш ҳақига қўшимча равишда тўланган устама ва мукофот пуллари ҳам

пенсияни ҳисоблашда инобатга олинади.

– Якка тартибдаги тадбиркор ва у билан бирга ишлайдиган ходимлар учун қандай нормалар мавжуд?


– Вазирлар Маҳкамасининг юқорида келтириб ўтилган Низомидagi 43-бандда шундай дейилган: «Якка тартибдаги тадбиркор ва якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 408-моддасида белгиланган тартибда ижтимоий солиқ тўланган давр пенсия тайинлашда иш стажы ҳисобида инобатга олинади».

Шундай экан, ЯТТ ва уларда ишлайдиган ходимлар эътиборли бўлиши лозим. Келажақда пенсияга чиқишда муаммога дуч келмай ва ишлаган даврим пенсия тайинланадиган стажга ўтсин, десангиз, ижтимоий солиқ суммаларини вақтида тўлаб бориш керак.

– Пенсия гувоҳномасини олиш учун Пенсия жамғармасига келиш шартми?

– Бугунги кунда my.gov.uz порталининг мобиль иловасида пенсия гувоҳномасини онлайн кўриш имконияти мавжуд. Ушбу қулайликдан фойдаланиб, пенсионер эканлигингизни тасдиқловчи гувоҳномани сўралган жойга электрон шаклда тақдим этишингиз мумкин.

Саҳифани
“Ўзбекистон овози” муҳбири
Тоштемир Худойқулов
тайёрлади.



► (Давоми. Боши 1-бетда)

Лекин болаларимизнинг нигоҳидаги нурни, қалбидаги иштиёқ ва қизиқишларни фақат ижтимоий тармоқлар сўндирмоқдами? Уларни болалик завқига ўзимиз билиб-билимай бегона қилиб қўймаймизми?

Қўйда сўз юритмоқчи бўлганимиз шу ҳақида.

Фарангиз 10 ёшда. Пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларидан бирида ўқийди. У сершовқин шаҳарда ҳафтанинг деярли ҳар бир куни ўқиш ва қўшимча дарслар билан ўтаётган минглаб болалардан бири. Тиқилинч автобусда кекса аёлнинг баланд овозда “Попкангни қўлингга овосанг-чи, юзимга тегяпти”, деган танбеҳидан атрофдаги ўнлаб нигоҳлар ўзига қадалганини сезиб, ўнғайсизланган қизалоққа дастлаб эътибор бермаган эдим. Лекин кунда-кунора ишдан қайтишда айни автобусда нимжонгина, ҳурраккина бу қизалоқни бот-бот учратишим аста-секин у билан танишиб, уни яхшироқ билиш имконини берди.

Фарангиз оилада тўнғич фарзанд. 2 ёшли ўкаси бор. Отаси ҳар доим ишда, онаси, табиийки, ўкасидан ортиб Фарангизни мактаб ва ўқув курсларига олиб боролмайди. Шунинг учун шаҳарнинг у четидан-бу четиға – ўқув марказларига ёлғиз ўзи қатнашга мажбур.

– Нуфузли мактабга кириш учун инглиз тили ва математикадан репетиторларга бораман, – дейди Фарангиз. – Тушгача мактабда дарс. Кейин мактабдан тўғри инглиз тили курсига кетаман, ундан чиқиб, математика репетиториға...

– Ҳар куними?– қизиқиб сўрайман ундан.

– Ҳа, ҳар куни. Якшанбадан ташқари.

– Чарчаб қолмайсани?
– Чарчайман... Дадам “Ўша мактабга киришинг керак”, дейди-да...шунга ўқишим керак.

БОЛАЛАР БОЛАЛИК ЗАВҚИГА БЕГОНА БЎЛМАСИН

–Қизиқасанми математикаға?

Фарангиз кўзини олиб қочади. Жавоб бергиси келмайди. Бирозгина жимликдан сўнг секин шивирлайди:

–Йўк... расм чизишни яхши кўраман!

Яна шундай болалардан бири – Жасур 9-синфда ўқийди. Унинг ҳам кун тартиби ота-онаси тузган қатъий жадвалға асосланган: тушгача мактабда дарсларда қатнашиш, тушдан кейин хорижий тил курси, сўнг IT машғулотлари.

Жасурнинг айтишича, унинг IT йўналишида мукамал ўқиб-ўрганишини ота-онаси истайди. Бунинг учун улар маблагни аямайдилар. Бироқ Жасур учун компьютерда код териш ва дастурлаш тилларини ўзлаштиришдан кўра футбол кизикроқ.

– Футбол жону дилим... Лекин футбол ўйнашга вақтим йўқ. Ота-онам футболчи эмас, дастурчи бўлишимни талаб қилишяпти, – дейди Жасур ўйчанлик билан.

Жамиятимизда ота-оналар томонидан фарзандларини мактабдан ташқари хорижий тил ва замонавий касбларга ўқитиш учун имкон қадар сармоя киритиши оммавийлашиб бормоқда. Бу одамларимизнинг фарзандлар билимига тикилган инвестиция энг истиқболли инвестиция эканини, дилбандларининг келажаги учун масъуллиқни чуқур англаб етаётгани маҳсулидир. Қолаверса, мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш учун мактабдан ташқари таълимга берилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар мазкур ижобий тенденцияни рағбатлантирмоқда.

Аммо танганинг бошқа томони бўлганидек, биз, катталар болаларимизни фақат ўз ҳаётий мезонларимизга бўйсундириб, уларнинг митти оламини, қалбларидаги пинҳон хоҳиш-истакларини унутиб қўймаймизмикан? Фарзандларимизни ўқитиш важи билан аслида улардаги болалик қувончини ва ҳайратларини ўзимиз юлиб олмаяпмизми?

Мутахассисларга кўра, болаларнинг ўқув юкламаси (мактаб дарслари + уй вазифалари) маълум чегарадан ошмаслиги лозим. Бу стандартлар бошланғич синф ўқувчилари учун ҳафтасига 21-23 соат, 5 ва ундан юқори синфлар учун 30-36 соатгача этиб белгиланган. Яъни, бола дам олиши, бўш вақтини кўнгилочар машғулотлари билан ўтказиши ва ухлаши учун ҳам етарли

Мутахассисларга кўра, болаларнинг ўқув юкламаси (мактаб дарслари + уй вазифалари) маълум чегарадан ошмаслиги лозим. Бу стандартлар бошланғич синф ўқувчилари учун ҳафтасига 21-23 соат, 5 ва ундан юқори синфлар учун 30-36 соатгача этиб белгиланган.

вақт қолиши керак. Бу меъёрларга амал қилмаслик, ўқув юкламасининг ортиши болада сурункали чарчоқ, уйку бузилиши, хавотир ва иммунитетнинг заифлашишига олиб келади. Шифокорлар бундай ҳолатлар болаларда руҳий ва физиологик жиҳатдан ўзгаришларни, соғлиғида жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирадилар.

Шу маънода болалар учун ўқув юкламасини жисмоний фаоллик ва бўш вақт билан мувозанатлаштириш фоятда муҳим.

Бугунги кунда болаларга академик босимни камайтириш тўғрисида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам бонг уриб келмоқда. Ташкилот экспертлари таълим тизимида мактаб ўқувчиларининг ёши ва эҳтиёжларини ҳисобга олишни, ота-оналарнинг эса болага нисбатан адолатли муносабатда бўлишини тавсия қиладилар. Зеро, ЖССТ Европа, Канада ва Марказий Осиёдаги ўнлаб давлатлардан 11 ёшдан 15 ёшгача бўлган 280 минг нафар мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказган сўров натижалари шуни кўрсатдики, бу болаларнинг фақат 67 фоизи ўз оилалари томонидан қўллаб-қувватланишини ҳис қиладилар. Қолган болалар эса хоҳиш-истаклари, орзу-

келишади. Бу босим уларга кичик ёшдан бошлаб қаттиқ ўқиш ва тайёргарликни кучайтириш заруратиға олиб келади. Оилада ва жамиятда болаларнинг таълим олишдаги ютуқлари уларнинг келажақдаги муваффақиятлари кафолати сифатида қаралиши қўшимча босим яратеди.

“Доимий ўқиш ва уй вазифалари болани шунчаки дам олишдан, жисмоний фаол бўлишдан ёки очиқ ҳавода вақт ўтказишдан мосуво қилади. Боладаги уйкуға тўймаслик, қуриш муаммолари ва бошқа соғлиққа салбий таъсир қилувчи омиллардан ташқари унинг оила ва дўстлари билан кам мулоқотда бўлиши ижтимоий алоқаларни сусайтириб, ёлғизлик синдромини келтириб чиқариши мумкин”, дейилади экспертлар хулосасида.

Бугун азбаройи фарзандларимиз сифатли таълим олиши, замонавий билимларни эгаллаши учун шароит яратиб беришга интилаётганимиз яхши, албатта. Лекин бола истаса-истамаса, ўзимиз хоҳлаган ўқув курси ёки репетиторларга етаклаб, унинг кундалик ҳаётини фақат ва фақат ўқув юкламалари билан тўлдириб қўйишимиз қанчалик тўғри?

Китоб-дафтарларга тўла сумкасини жажжи елкасига осганча, хафсаласиз, мактабдан уйға эмас, ўқув марказига кетаётган фарангизлар, эҳтимол, жаҳонро таниқли футболчиға айланиши мумкин бўлган, бироқ ўзи истамаган соҳада таълим олиш учун кун ўтказаетган жасурбеклар қанча...

Бу ҳусусида ўйлаб кўриш вақти келди, назаримизда.

Фарида ИБРОҲИМОВА.

ЯНГИЛИК

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29 январдаги тегишли қарори билан “Ижтимоий реестрни юритиш тартиби тўғриси”даги низом тасдиқланди. Мазкур Низом оилаларни Ижтимоий реестрга киритиш, тоифаларга ажратиш ва реестрдан чиқариш тартибини белгилайди.

Низомга кўра, ариза берувчи оиласини реестрга киритиш учун Давлат хизматлари маркази ёки ваколатли органга борган ҳолда ёки ижтимоий ходим орқали мурожаат қилади. Шунингдек, “ЯМИХ” АТ (Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими), ЯИДХП (my.gov.uz) ёки “Ижтимоий карта” мобиль иловаси орқали мустақил равишда ариза бериш ҳам мумкин.

Ҳар бир оила томонидан ариза топшириш 1 ойда 1 марта амалга оширилади.

Дастлаб оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати дастлабки баҳолашдан ўтказилади. Баҳолаш натижаси бўйича ариза берувчининг оиласини “давлат таъминотидаги оила” ва “камбағал оила” деб топишни рад этиш учун асослар аниқланмаганда ариза ижтимоий ходимнинг шахсий кабинетига саволнома тўлдириш учун юборилади. Ариза берувчи томонидан тасдиқланган саволнома ахборот модулида автоматик равишда “маҳалла еттилиги”га йўналтирилади.



ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ РЕЕСТРГА КИРИТИШ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНДИ

Хулоса “маҳалла еттилиги” томонидан тасдиқлангандан сўнг “ЯМИХ” АТ 3 иш куни ичида оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яқуний баҳолашдан ўтказеди. Реестрга оилалар “давлат таъминотидаги оила”, “камбағал

оила” ва “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифаларига ажратилган ҳолда киритилади.

Оилалар улар реестрга киритилган кундан бошлаб қуйидаги муддатларда оила аъзолари иштирокида саволнома қайта тўлдирилади:

“давлат таъминотидаги оила” – ҳар 12 ойда;

“камбағал оила” – ҳар 6 ойда. Шунингдек, юқоридаги қарор билан болалар нафақаси ва моддий ёрдамни тайинлаш ҳамда нафақа тўлаш тартиби ҳам белгиланди.

Бунда ариза берувчи болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлашни сўраб Давлат хизматлари маркази ёки ижтимоий ходим орқали мурожаат қилади.

Шунингдек, “ЯМИХ” АТ, ЯИДХП ёки “Ижтимоий карта” мобиль иловаси орқали мустақил равишда ҳам ариза бериш мумкин. Ҳар бир оила томонидан болалар нафақаси ва моддий ёрдам учун мурожаат қилиш 1 ойда 1 марта амалга оширилади.


Ойнинг 16-санасига қадар тақдим этилган аризалар мурожаат қилинган ойда, 16-санада ва ундан кейин тақдим этилган мурожаатлар кейинги ойда кўриб чиқилади.

Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам уни тайинлашни рад этиш учун асослар аниқланмаганда ариза кўриб чиқилган ойдан кейинги ойдан “Ягона реестр” АТда автоматик тарзда тайинланади ва тўланади.

Нафақа ва моддий ёрдам “давлат таъминотидаги оила” ва “камбағал оила” тоифасидаги оилаларға улар мазкур тоифадан чиққуниға қадар, “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасидаги оилаларға улар мазкур тоифаға ўтказилган (киритилган) ойдан кейинги 6 ой учун тайинланади.

Болалар нафақаси ва моддий ёрдам миқдори қонунчилик билан белгиланади.

ЖАМОАТЧИЛИК ЭШИТУВИ



Ёдингизда бўлса, Чорвоқ сув омбори қирғоғида «Sea Breeze Uzbekistan» туристик мажмуаси қурилиши ҳақидаги хабар кенг жамоатчиликда хавотир ва норозилик ҳиссини ўйотган эди. Бунинг сабаби мазкур бунёд этиладиган объектнинг сув омбори ва унинг ён-атрофига экологик зарар етказиши мумкинлиги билан боғлиқ бўлиб, аини мавзу узоқ вақт ижтимоий тармоқларда муҳокама қилинди. Тошкент вилояти Бўстонлиқ туман

ҳокимиятида "Sea Breeze Uzbekistan" туристик мажмуаси қурилишининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш бўйича жамоатчилик эшитув итказилгани эса мақсадга мувофиқ бўлди. Эшитувда тегишли давлат идоралари вакиллари – Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари Нажмиддинхўжа Шарипов, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси Давлат экологик экспертизаси маркази директори Ғайрат Муҳамедов, "Ўзсувтаъминот" АЖ бошқарув

Хавотирга ўрин йўқ

раисининг биринчи ўринбосари Тоҳир Хайдаров ва бошқа масъуллар қатнашди. Шунингдек, маҳаллий ва халқаро экспертлар, хусусан, Озарбайжон Республикаси "Ekosfera" маркази эксперт-маслаҳат гуруҳи раҳбари Фирюза Султонзода, Словения Республикаси Атроф-муҳит, иқлим ва энергетика вазирлиги котиби, "Esro" конвенцияси ва Стратегик экологик баҳолаш тўғрисидаги протокол бюросининг муқобил раиси Весна Колар-Планиншич, Корея Республикаси Атроф-муҳит институти илмий ходими Сангюн Ли, эко-фаоллар, журналист ҳамда блогерлар иштирок этди. Тадбирда "Sea Breeze Uzbekistan" бош директори Сардор Ҳамидов лойиҳа экологик стандартларга тўлиқ риоя қилинган ҳолда амалга оширилишини таъкидлади. 2035 йилгача босқичма-босқич йўлга қўйиладиган лойиҳада ўзбекистон шароитига мос замонавий муҳандислик ечимлари қўлланилиши, қўшимча иш ўринлари яратилиши ва бошқа

жиҳатларга эътибор қаратилди. - Лойиҳа тўлиқ ишга тушгач, 8 мингга яқин иш ўрни яратилади. Худуд кўкаламзорлаштирилади. Биринчи босқичдаёқ 10 мингдан ортиқ дарахт ва ўсимлик экилади, – деди С. Ҳамидов. – «Sea Breeze Uzbekistan» – бу экологик меъёрларга мувофиқ амалга ошириладиган инфратузилма лойиҳаси. Йўллар, муҳандислик тармоқлари, канализация, коммуникациялар, қирғоқ ҳудудини ободонлаштириш – барчаси йиллар давомида минтақа ривожига хизмат қилади.

Эшитув давомида Бўстонлиқ туманида оқова ва ичимлик суви тизимларини қуриш, аҳоли учун санитария-гигиена шароитларини яхшилаш каби жиҳатларни ўз ичига олган тақдимотлар намойиш этилди. Чорвоққа чиқинди ташлашга йўл қўйилмаслиги, канализация тизими такомиллаштирилиши, оқова сувлар тозаланиб, марказлашган тизимга йўналтирилиши, биохилма-хилликни асрашга алоҳида эътибор қаратилиши, курорт ҳамма учун бирдек очиқ бўлиши қайд этилди.



ОМОНАТЛИК ҲИКМАТИ

АБДУСАЛИМ МАҲМУДОВНИ ЭСЛАБ...

Омонатини топширган одам ҳақида гапириш, ёзиш осон эмас. Айниқса, у қанча йиллик танишинг, курсдошинг, касбдошинг бўлса. Айниқса, у 40 ёшдан ошиб-ошмаган бўлса...

Бир томондан хотиралар бетартиб оқиб келаверади: югур-югурлар чангалида йўлакда, лифтда қисқа кўришиб-сўрашиб қолишлар эсга тушади, ўшанда қўлидан маҳкам ушлаб, озроқ гурунглашсам бўларкан, ошхонага кириб бир пиёла иссиқ чойни баҳам кўрсам бўларкан, деб куюнасан. Охирги марта қачон, қаерда кўришиб қолдим, нима ҳаётда гаплашдим, деган саволлардан хижолат бўлиб кетасан.

Бошқа томондан умрнинг ширин, аммо омонат эканини қутилмаганда билиб қоласан: талашиб-тортишиб ўқиган, "семестр ёпиш" учун қайсарроқ ўқитувчилар ортидан югурган, ишлашни ва аста-секин яшашни бирга-бирга ўрганган тенгдошларинг, курсдошларингдан бири йўлнинг охирига келиб қолганидан кўрқиб ҳам кетасан. Абдусалим Маҳмудов кетарида файзли ҳовлиснинг остонасида айнан сен учун кўринмас ҳикмат қолдириб кетганини тушунгандай бўласан.

Онага қанчалар оғир, оҳ уриб елканга суянади, суякларинг синиб кетай дейди. Бу она сен ҳамдардликка келганингда ҳам, кетаётганингда ҳам йиғлаётган бўлади. У ўғлини бутун борлигию йўқлиги билан кўшиб яхши кўради. Ҳеч қандай қудрат, ҳеч қандай тўқилишнинг бу муқаддас туйғуга кучи етмайди. Фарзанднинг асл неъмати қалбда бўлади, она кўнглидаги тафт осмонларга ҳам етиб туради. Суюкли ўғил меҳригёёси билан бу она янада кучли, янада фариштали бўлади.

Абдусалимни эслаб қолмаслиқнинг иложи йўқ. Миллий университет Журналистика факультетининг Бешёғочдаги ўша муштипар биносиди, биринчи қаватдаги лиқ тўла аудиториясида бутун Ўзбекистондан йиғилган оқу кўнғир, шодону ғамгин йигит-қизлар бир-бири билан танишиши, топишишида Абдусалимнинг тинимсиз фаоллиги, саноксиз саволлари, бегараз ҳазиллари, расмий газета тилида айтиладиганидек, муҳим ўрин тутган.

Қишлоғу шаҳардан, кўноғу кўрғондан келган камроғи йўғитлару кўпроғи қизларнинг бирини ўйлантирган масала, эҳтимол, бошқасини сира безовта қилмасди. Аммо Абдусалимнинг



ўқитувчилар билан рўй бериб турадиган ўта қизғин савол-жавоб мунозарасига ҳеч ким бефарқ қололмасди. У ҳамма нарсани тез билгиси, тез улгургиси келган эканми, деб ўйга толасан, ўзингча ҳикматга бериласан.

Абдусалим жуда киришимли йигит. Нони қаттиқ соҳадан яхшироқ бошқа йўналишга бемалол ўтиб кета оларди. Ютуқларга ҳам, шубҳасиз, эришарди. Лекин ўқиган соҳасига, танлаган касбига содиқ бўлди. Синовларни қулиб энгиб ўтди. Республика матбуотида масъул, худуд матбуотида бош муҳаррирликка муносиб кўрилди. Катта тарихга, самимий тароватга эга "Паркент тонги" гезатасига бошчилик қилди. Айтишларича, тахририятнинг ҳурмати ҳар томонлама жойига чиқибди. Тошкент вилоят ҳокимлиги энг зўр бош муҳаррир, деб эътироф этибди. Курсдошимиз ўз танлаганида муносиб инсон бўлибди.

Абдусалим муносиб из қолдирибди: ўғли университетда талаба, ой қизи мактабда битирувчи экан. Улар ҳаётда ҳам, фаолиятда ҳам кам бўлмайди. Бу – аник.

Тўй қилиб, келин олмоқчи экан. Қиш кунида баҳор насими эсиб турган интизор ховли, албатта, ҳали кўп тўйлар, қувончли кунлар, узун ютуқларга лиммо-лим тўлиб кетади. Боши яхшилиқдан чиқмай қолади. Зиёли умр йўлдоши меҳри-муҳаббатини қалбда асрайди, набираларининг ой бахтига йўлдош бўлади. Отасини сўраб келганларнинг олдига чиқадаган ўғли борлигидан ғурурланади.

Онани ўйлайман, у ҳамон йиғлаётган бўлади. Она, баҳор сизлар томондан яқинлашиб келяпти, ҳали биргалашиб ўша томонларга борамиз, мадор сомсалар ёпамиз биргалашиб. Тўғриси, чин тириқлик мадори ҳаммамиздаям унчалик кўп эмас.

Аллоҳ раҳматига олгани рост бўлсин!

Курсдошлари номидан
Тўлқин ТУРАХОНОВ.

“Ўзбекистон овози” газетаси жамоаси ҳамкасбимиз, “Паркент тонги” газетаси Бош муҳаррири **Абдусалим МАҲМУДОВ**нинг вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.



ЭЪЛОН

“Олот нефть ва газ қидирув экспедицияси” МЧЖ бошқарув раиси лавозимига танлов ўтказилиши тўғрисида

Давлат активларини бошқариш агентлигининг Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси Ўзбекистон Республикаси “Давлат мулкни бошқариш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-101-сон қарори ҳамда Жамият ижроия органининг раҳбарлик лавозимларига танлов ўтказиш ва номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низом талабларига асосан “Олот нефть ва газ қидирув экспедицияси” МЧЖ ижроия орган раҳбари лавозимига номзодларни саралаш бўйича танлов эълон қилади.

- Лавозим тавсифи (йўриқномаси):
 - Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи ҳисобланади.
 - Ишончномасиз жамият номидан иш кўради, шу жумладан, жамият манфаатларини ифода этади ва битимлар тузади.
 - Жамиятнинг молиявий ва бошқа ҳужжатларини имзолайди.
 - Банкларда ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб варақларни очади, ўз ваколатлари доирасида жамият мулкни ва молиявий маблағларини бошқаради.
 - Ииллик ҳисобот, ииллик бухгалтерия баланси ва қатнашчилар ўртасида соф фойдани тақсимлашга оид тақлифларни тайёрлайди ва қатнашчилар умумий йиғилишига тақдим этади, кўрсатиб ўтилган органларни кундалик молиявий ва ҳўжалик фаолияти тўғрисида хабардор қилиб туради, умумий йиғилиш қарорларининг бажарилишини ташкил қилади.
 - Жамият ижрочи ходимларига раҳбарлик қилади, жамият штатлар жаadwalини тасдиқлайди, ҳисоб юритилишини ташкил қилади ҳамда жамият фаолияти тўғрисидаги бухгалтерлик ва статистик ҳисоботларнинг тузилишини ва уларнинг солиқ органларига, ижтимоий жамғармалар ва давлат статистика органларига ўз вақтида тақдим қилиниши таъминлайди.
 - Уставага ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ жамият раҳбари сифатида бошқа ваколатларни амалга оширади.
- Номзодларга қўйиладиган талаблар:
 - Номзодларнинг танловда иштирок этиши учун ягона иштирокчи (таъсисчи) томонидан қўйиладиган талаблар:
 - Касбий (техник ёки муҳандис-иктисодий) таълимга эга олий маълумот.
 - Мутахассислиги бўйича камида 5 йил иш тажрибаси борлиги.
 - Давлат тилини билиши (бу талаб чет эллик менежерлар учун мажбурий эмас).
 - Нефть ва газ саноати соҳаси корхонаси тизимида камида 5 йил фаолият олиб борганлиги.
 - Нефть ва газ саноати соҳаси корхонаси ижроия органининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган хизмат вазифаларини бажариш учун билим ва қўникмаларга эга бўлиши.
 - Иқтисод соҳасидаги жиноятлар

- ёки бошқарув тартибига қарши жиноятлар учун судланган бўлмаслиги.
- Жамият қузатув кенгаши аъзолари ёки бошқарув раҳбарлари ва аъзолари қариндошлик алоқалари йўқлиги.
- Тиббий ташкилотнинг тасдиқланган хулосаси ёки суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб тан олинган бўлмаслиги.
- Илгари ишлаган ҳўжалик юритиш субъектида банкротликка доир иш очилган пайтда ушбу ҳўжалик юритиш субъекти ижро органида фаолият юритмаган бўлиши.
- Ҳўжалик юритиш субъекти банкрот деб эътироф этилган тақдирда, суд томонидан банкрот деб топилган пайтдан бошлаб, мазкур тақдим этилган субъектининг ижро органи раҳбари ёки аъзолигидан чиқиб кетганига камида уч йил ўтган бўлиши.

- Номзодларга қўйиладиган умумий талаблар:
 - мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлиш;
 - раҳбарлик лавозимларида, шу жумладан, нефть ва газ соҳасида Бошқарув раиси/директор, Бошқарув раиси/директор ўринбосари ёки раҳбарлик лавозимига тенглаштирилган лавозимлар (бош муҳандис, директор ўринбосари ва бошқа лавозимларда камида 2 йиллик иш стажига эга бўлиш;
 - мазкур соҳада камида 5 йиллик тажрибага эга бўлган шахслар;
 - йирик корхоналарни бошқариш бўйича муваффақиятли тажрибаси мавжудлиги;
 - ўзи фаолият юритган ёки бошқарган корхоналарда бизнес стратегияси/барқарор ривожланиш/ инвестицион лойиҳалар сиёсатини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш тажрибаси;
 - ўзи фаолият юритган ёки бошқарган корхоналарда чуқур ўзгаришларни, замонавий корпоратив тизимини ва маданиятини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тажрибаси.
- Тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар:
 - Танловда қатнашишга розилиги, тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаши ва танловда ғолиб бўлган тақдирда ишга ёллаш шартномасини тузишга розилиги билдирилган, ўз қўли билан ёзилган ариза;
 - Маълумотнома-объективка (белгиланган шаклдаги);
 - Меҳнат дафтарчаси нусхаси;
 - Олий маълумот тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасасининг ёки хорижда олий таълим олганлиги бакалавр дипломи ва/ёки магистр дипломи (мавжуд бўлса);
 - Илмий унвон (фан номзоди, фан бўйича фалсафа доктори, фан доктори) ва илмий даража (доцент, катта илмий ходим, профессор) тасдиқловчи ҳужжат (мавжуд бўлса);
 - Қўшимча олий маълумот олганлиги (иккинчи, учинчи) ҳақидаги диплом (мавжуд бўлса);
 - Судланмаганлик (ёки

- судланганлик) тўғрисида маълумотнома;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига кўра лавозимга тайинланган тўғрисидаги ҳужжат (иш тажрибаси кўрсатилган ҳолда);
- Давлат ташкилотиди маъмурий-бошқарув лавозимларида иш тажрибасини тасдиқловчи ҳужжат (мавжуд бўлса) ва тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ижобий тавсияномалар тақдим этилганда қўшимча баҳоланади;
- Хорижий мамлакатларда раҳбарлик лавозимларда (директор, директор ўринбосари, менеджер, супервайзер) иш тажрибаси ёки хорижий юрисдикцияда масалаларни ҳал қилишнинг амалий тажрибасига эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжат (мавжуд бўлса).
- Ижобий тавсияномалар бўлса, қўшимча баҳоланади;
- Танлов эълон қилинган соҳадаги раҳбарлик тажрибаси (бошқарув раиси/директор, бошқарув раиси/ директор ўринбосари ёки раҳбарлик лавозимига тенглаштирилган лавозимлар (бош муҳандис, бош механик, бош иқтисодчи, бўлим/цех бошлиғи ва бошқа.)) тўғрисидаги ҳужжат (мавжуд бўлса);
- Ҳўжалик жамиятларининг раҳбарлик лавозимларида ишлаш тажрибаси (бошқарув раиси/ директор, бошқарув раиси/директор ўринбосари, ваколатхона ёки филиал раҳбари) тўғрисидаги ҳужжат (мавжуд бўлса);
- Ҳўжалик жамиятларининг қузатув кенгаши аъзоси сифатида иш тажрибаси тўғрисидаги ҳужжат (мавжуд бўлса);
- Хорижий тилларни билиш даражаси тўғрисида гувоҳнома (мавжуд бўлса);
- Амал қилиш муддатига эга корпоратив бошқарувчи малака аттестати (мавжуд бўлса);
- Қимматли қоғозлар бозори мутахассиси, аудитор, суғурталовчи, баҳоловчи, суд бошқарувчиси малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи амал қилиш муддатига эга ҳужжатлар (мавжуд бўлса);
- Халқаро сертификатлар (CFA, CPA, ACCA, ACA, CIMA, IMC, FRM) (мавжуд бўлса);
- Компьютер билимдонлик — MS Office, MS Excel – ишончли гувоҳнома (гувоҳнома мавжуд бўлса);
- Танлов ҳужжатларини топширишнинг охирги муддати 20 февраль, 2026 йил.
- Танлов тақлифлари ва ҳужжатлар муҳрланган конвертларда ва конвертнинг устки қисмида танловда иштирок этувчи номзоднинг танловда иштирок этиш учун аризаси илова қилинган ҳолда тақдим қилинади.
- Ҳужжатлар қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Бухоро вилояти, Олот тумани, Олот кўчаси, 143-ўй.
- Маълумотлар учун телефон: +998 97 282 98 98
- Корхона электрон почта манзили: www.alatngre.uzgbng.uz

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uezbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 237. 2712 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 21:10

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda